

# 8-мавзу. Эмпиризм ва рационализм




Маърузачи: фалсафа фанлари доктори  
Умиджон Қўшаев


Режа:

1. Эмпиризм фалсафий йўналиш ва метод сифатида.
2. Эмпирик файласуф олимлар.
3. Рационализмнинг моҳияти ва ахамияти.
4. Асосий рационалист файласуфлар.

**Эмпиризм** (юнонча,  $\epsilon\mu\pi\epsilon\rho\iota\alpha$  – тажриба) – сезги аъзолари орқали қабул қилинган сигналлар ва тажрибани ҳақиқатнинг ягона манбаи деб ҳисоблашга асосланган, алоҳида факт ва ҳодисаларни тадқиқ этишда назарий умумлашмаларнинг белгиловчи аҳамиятини инкор этувчи гносеологик концепция. Эмпирик ёндашувга кўра, барча билимлар тажрибада ва тажриба воситасида асосланади.




# ЭМПИРИЗМ



Т ГОББС



ФР. БЭКОН



ДЖ. БЕРКЛИ



Д. ЮМ


Эмпиризмнинг идеалистик ва материалистик шакллари ажратиб кўрсатилади. Идеалистик эмпиризм вакиллари – Беркли, Юм, Мах, Авенариус ва б. тажрибанинг асосини объектив олам ташкил этишини инкор этган ҳолда, тажрибани сезги-ҳиссиётлар ва тасаввурлар йиғиндиси, деб ҳисоблаганлар. Материалистик эмпиризм тарафдорлари (Ф. Бэкон, Т.Гоббс, Дж.Локк ва б.) эса сезгилар орқали олинадиган тажрибанинг асосини объектив олам ташкил этишини ёқлаганлар.

**Фрэнсис Бэкон** (1561 — 1626) – англиялик файласуф ва сиёсий арбоб, 1620-1621 йилларда Буюк Британиянинг лорд-канцлери, қиролдан сўнг иккинчи мансабдор шахс бўлиб, фалсафада эмпирик йўналишнинг асосчиси сифатида тан олинган.



Чтение делает человека  
знающим,  
беседа — находчивым,  
а привычка записывать —  
точным.

(Фрэнсис Бэкон)



Фрэнсис Бэкон эмпиризмнинг моҳияти шундаки, олим билимларнинг асосида фақат ва фақат тажриба ётади, деб қатъий ишонган. Инсон ёки инсоният қанчалик кўп ва бой назарий ва амалий тажриба орттирар экан, шунчалик у ҳақиқий билимга яқинлашади, деб таъкидлаган. Бэконга кўра, чинакам билим пировард мақсад эмас, бинобарин, тажриба ва билимнинг асосий вазифаси – инсонга фаолиятда амалий натижаларга эришиш, янги кашфиётларга йўл очиш, иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда инсоннинг табиат устидан ҳукмронлигини ўрнатишга кўмаклашишдир.

Шунга кўра, олим томонидан машҳур фалсафий шиор илгари сурилган:


**“Билим - куч”.**

## Фрэнсис Бэконнинг билиш методлари

Бэкон ўз даври фани учун янгилик сифатида индукция методини қўллаш ғоясини илгари сурган ва амалга оширган.

**Индукция** – хусусий ҳолатлардан умумийлик сари боришга асосланган мантиқий мулоҳаза шакли.

Индукция, деганда Бэкон кўплаб хусусий ҳодисаларни умумлаштириш ва бундай умумлашмалар асосида янги умумий хулосаларни чиқаришни тушунган. Масалан, кўплаб алоҳида металллар эрийди, демак, барча металллар эрувчанлик хусусиятига эга. Бэкон индукцияни Р. Декарт томонидан илгари сурилган дедукция методига қарама-қарши қўйган. **Дедукция** – бу, умумий ҳолатлардан хусусийлик томон боришга асосланган метод бўлиб, унга мувофиқ чинакам билимни ишончли ахборотга таянган ҳолда аниқ мантиқий амаллар орқали олиш мумкин.



Бироқ Бэкон индукциянинг нотўлиқ ва эҳтимолий хусусияти инсоният томонидан билимларнинг барча соҳаларида тажрибанинг ортиб бориши билан барҳам топади, деб таъкидлаган.

Олим билишнинг асосий методи сифатида индукцияни илгари суриб, билиш жараёни кечадиган аниқ йўлларни кўрсатиб ўтган. Булар:

**“Ўргимчак йўли”** – билимларни соф ақл орқали, яъни рационал тарзда олиш. Бу йўл аниқ фактлар ва амалий тажрибанинг ролини сезиларли равишда сусайтиради ёки бутунлай инкор этади. Рационалистлар воқелиқдан узилиб қолганлар, “фикрлар тўрини ўз ақлларида тўқийдилар”, деб таъкидлаган






**“Чумоли йўли”** – бунга кўра, фақатгина тажриба алоҳида эътиборга олинади ва бу догматик эмпиризм бўлиб, ҳаётдан узилиб қолган рационализмнинг зиддидир. Мазкур метод камчиликка ҳам эга, зеро, “соф эмпириклар” амалий тажриба, турли тарқоқ факт ва исботларни тўплашга асосий диққатни қаратадилар. Шундай қилиб, улар билимнинг ташқи манзарасини ҳосил қиладилар, муаммони ташқаридан, четдан туриб кўрадилар, аммо ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини тушуна олмайдилар.





**“Асалари йўли”** – билишнинг мукамалроқ усули бўлиб, уни қўллаган файласуф “ўргимчак йўли” ва “чумоли йўли” методларининг барча афзалликларини қабул қилади ва уларнинг камчиликларидан халос бўлади. “Асалари йўли”ни тутган чоқда барча фактларни тўплаб, уларни умумлаштириш зарур ва ақлнинг имкониятларини ишга солиб, муаммонинг “ичи”га назар ташлаш, унинг моҳиятини англаш керак.


# Фрэнсис Бэконнинг ақлнинг «шарпалари» («идоллари») ҳақидаги таълимоти



**Уруғ шарпалари** инсонларнинг табиати билан шартланган бўлиб, бу турдаги хато тасаввурлар инсон ақли ва сезгиларининг чекланганлиги билан боғлиқ. Олим фикрича, бу айниқса табиат ҳодисаларига инсоний сифатларни татбиқ этишга уринишда яққол намоён бўлади (антропоморфизм - юнонча “антропос” - инсон ва “морфе” – шакл, тур. Инсонга ўхшашлик назарда тутилади).

## Идолы рода






Ғор шарпалари файласуф воқелик ҳақидаги атроф олами субъектив қабул қилишдан келиб чиққан нотўғри тасаввурлар, деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, ҳар бир инсонда ўзининг ғори, ўз субъектив олами мавжуд бўлиб, нарсалар ва ҳодисалар ҳақидаги мулоҳазаларида улар ўз муҳрини босади. Инсоннинг ўз ғори чегараларидан ташқарига чиқа олмаслиги бу турдаги хатоликларнинг сабабидир.

Бозор ёки хиёбон тимсоллари сўзларни нотўғри ва ноўрин қўллаш тўғрисида келиб чиқадиган ноҳолис тасаввурларни ифода қилади. Инсонлар кўп ҳолларда бир сўзга турлича мазмун берадилар. Бу эса самарасиз бўлган сўз ўйинлари, сўзлар бўйича қуруқ баҳсларга олиб келади. Натижада кишилар табиат ҳодисаларини тадқиқ этишни унутиб фойдасиз мунозараларга киришиб кетадилар. Ф.Бэкон бу турдаги хатоликларни бозор ёки хиёбон тимсоллари деб аташнинг асосий сабаби шундаки, у яшаган давр, муҳитда схоластик сўз мунозаралари (масалан, улар игнанинг тешигига нечта шайтон сиғиши мумкин, деган бемаъни ва фойдасиз фикрлар атрофида бўлган) асосан одамлар кўп тўпланадиган жойларда – бозор ёки хиёбонларда кечган.



Театр тимсоллари сифатида Ф.Бэкон турли фалсафий тизимларга мансуб бўлган обрўли ва ишончли деб ҳисобланган кишиларнинг фикр ва ғояларини танқиддан холи равишда қабул қилиш орқали келиб чиқадиган хатоликларни тушунган. Бошқача айтганда, обрўли манбадан олинган фикрларга кўр-кўрона ишониб, уларни дастур сифатида қабул қилишни файласуф билиш йўлидаги тўсиқлардан бири деб билган.



Шундай қилиб, Бэконга кўра, билишнинг энг мақбул йўли **индукцияга асосланган эмпиризмдир** (фактларни тўплаш ва умумлаштириш, тажриба орттириш). Бу жараёнда нарсаларнинг моҳиятини тушунишнинг рационал усулларидан фойдаланилади.






## Томас Гоббс эмпиризми

Ф.Бэкон эмпирик фалсафаси Томас Гоббс (1588-1679) асарларида янада ривожлантирилган. Т.Гоббснинг ғоялари жаҳон фалсафаси ривожига ижобий таъсир кўрсатган. “Жисм ҳақида” (1655), “Инсон ҳақида” (1658), “Гражданин ҳақида” (1642), “Левиафан” (1651) каби машҳур асарлар Т.Гоббсга тегишлидир.

Т.Гоббс билимнинг куч эканлиги тўғрисидаги фикрга тўлиқ қўшилган ҳолда, олим билимнинг илмий тадқиқотлар орқали ҳосил қилинишини таъкидлаган. Бунда фалсафа ёрдам беради, зеро, у ҳаётини муҳим жараёнларни ташкил этишда кишиларнинг имкониятларини ошириб, уларнинг амалий манфаатлари ва эҳтиёжларига хизмат қилиши зарур. Олим фикрича, фалсафа мажмуавий назарий билимдир.





Т. Гоббс материяни фикрлаш  
обилиятига эга, деб  
исоблаган. Табиатни ўрганиш  
сосида олим қуйидаги  
улосаларни баён этган:

қалб махсус субстанция  
ифатида мавжуд эмас;

жисм – ягона субстанция;

худога ишонч – инсон  
тасаввурининг ҳосиласи.


Т. Гоббс фикрича, билиш ғояларнинг тўпланиб бориши билан амалга ошади. Ғояларнинг манбаи сезги аъзолари орқали қабул қилинган ахборотлардир. Олим Декартнинг туғма ғоялар тўғрисидаги қарашига қарши чиққан, унинг таъкидлашича, ғоялар инсонга атроф муҳитнинг таъсир этиши натижасида юзага келади. Сезгилар орқали олинаётган сигналларни хатоликлар ва янглишишнинг олдини олиш учун индукция ва дедукция, анализ ва синтез методлари орқали рационал текшириш зарур, бу, албатта, умумийликни аниқлаш имконини беради.






Т.Гоббснинг давлат ва жамиятга оид қарашлари ҳам жуда машҳур. Жумладан, олимга кўра, кишиларни умумий мақсад сари йўналтириш, тинчликни бузишга қаратилган хатти-ҳаракатларни тийиб туришнинг асосий воситаси сифатида давлат намоён бўлади. Давлат шароитида ҳар бир киши ўз иродасининг бир қисмини бошқа ўзи кабиларнинг иродасига буйсундиради ва бу орқали ҳуқуқ ва мажбуриятлар мувозанати таъминланади.


Т.Гоббс давлатни Левиафан (Қадимги Юнон мифологиясидаги улкан маҳлуққа қиёслайди. Левиафан ўз ҳаётини таъминлаш учун алоҳида кўплаб тана аъзоларига эга бўлган аждаҳо сифатида тасвирланган. Олим давлат нафақат инсоннинг хатти-ҳаракатини, балки унинг қарашлари, шу жумладан, ахлоқий, диний ва ҳатто, илмий тасаввурларини ҳам назорат қилиши зарур.






## Джон Локк эмпиризми

XVII асрда Англияда Ф. Бэкон ва Т. Гоббсдан сўнг учинчи йирик эмпирик файласуф Джон Локкдир (1632-1704). Олим материалистик билиш назариясининг давомчиси бўлган, аниқроғи материалистик эмпиризмни янада ривожлантирган. 1690 йилда олимнинг “Инсон тушуниши ҳақидаги тажриба” номли машҳур асари чоп этилган. Бу асарнинг кириш қисмида Локк фалсафани нарсаларни чинакам билиш илми сифатида талқин этган. У фалсафада нарсаларнинг хусусияти ва ҳаракатининг манбаини очиб берувчи воситасини кўрган.



Файласуф туғма ғоялар тўғрисидаги назарияни танқид қилган, бундай қарашга қарама-қарши қилиб барча билимларнинг манбаи ташқи тажрибадир, деган фикрни илгари сурган. Олим бундай ғояси унинг инсон тўғрисидаги концепциясига ҳам асос бўлган. Бунга кўра, файласуф инсон ҳаётининг олдиндан белгилаб берилгани ҳақидаги фикрни мутлақлаштириш ноўринлигини, ҳаёти давомида унинг ақлий салоҳиятини ва турли майлларини ривожлантиришга мунтазам ҳаракат қилиш зарурлигини уқтирган.

Локк тажрибани содда ғояларни берувчи – ташқи, ва ўзини-ўзи кузатиш ва ўрганиш орқали содир бўладиган қалбни билишда намоён бўладиган рефлексияга, яъни ички тажрибага ажратади. Ўзини-ўзи кузатиш фақат муайян катта ёшга кирган, тажрибали инсонга хос бўлади, янги туғилган чақалоқнинг эса қалби топ-тоза лавҳга ўхшайди (“**tabula rasa**”). Ички тажриба ташқи предметли олам таъсирида юзага келади, рефлексия эса ташқи тажриба таъсири ва унинг асосида шаклланади. Локк фикрича, ташқи тажриба инсоннинг ташқи оламига нисбатан иккиламчи, рефлексия эса ташқи тажрибага нисбатан иккиламчи ҳисобланади.







Олим томонидан тажрибани ташқи ва ички турларга ажратиш унга билиш жараёнини ҳам рационал ва ҳиссий шаклларга ажратиш имконини берган.

Локкнинг онтологик ва гноселогик концепцияларида бирламчи ва иккиламчи сифатлар тўғрисидаги таълимот муҳим ўрин тутган. Бирламчи сифатларга олим масофавийлик, узунлик, кенглик, шаклга эгалик, туртки, қисмларнинг ўзаро жойлашуви, механик ҳаракат, сокинлик, зичлик кабиларни мисол қилиб келтирган. Бирламчи сифатларнинг хусусиятлари шундан иборатки, улар доимо жисмларга тегишли ва улардан ажралмас бўлади, сезги аъзолари орқали қабул қилинади ва бундай қабул қилиш аниқликка эга. Иккиламчи сифатларга Локк ранг, ҳид, товуш, таъм, оғриқ, иссиқлик ва б.ларни киритади.

**ПРАВИЛЬНО  
МЫСЛИТЬ  
БОЛЕЕ ЦЕННО  
ЧЕМ МНОГО  
ЗНАТЬ**




Бирламчи ва иккиламчи сифатлар тўғрисидаги ғоя сезги аъзолар ва рефлексия туфайли шаклланади. Иккала туркумдаги сифатлар ҳақидаги билимларни умумлаштириш ақл орқали амалга ошади ва тилда ифода этилади.


Билишни Локк сезги аъзолари орқали билиш ва интуитив билиш турларига ажратган ва бу билиш шакллари ғоялар билан боғлиқлигини таъкидлаган. Иккала билиш шакли ҳам ҳақиқатга олиб бориши мумкин, бунинг учун интуиция, мулоҳаза ва сезгиларни ишга солиш зарур.

Дж.Локкнинг давлат ҳақидаги қарашлари Т.Гоббснинг бу ҳақдаги фикрларидан фарқ қилган. Локкнинг фикрича, давлат ижтимоий эркинлик ва ташаббусларни чеклаш эмас, балки уларни кафолатлаши зарур. Ҳукумат давлатнинг қонунларига бўйсунушга мажбур. Бунинг учун ижро этувчи ҳокимиятни қонунчилик ҳокимиятидан ажратиш керак.

Умуман олганда, Дж.Локкнинг фалсафаси XVII асрдаги британия эмпиризмнинг чўққиси бўлган. Олимнинг билиш назарияси, психология, педагогика, ижтимоий фалсафа каби билим соҳаларига қўшган ҳиссаси шу қадар улкан бўлганки, унинг ғоя ва кашфиётлари келгусидаги файласуфлар илҳом бахш этган.



## Джордж Беркли эмпиризми



Джордж Беркли (1685–1753) – Англия эмпиризмининг йирик вакилларида бири сифатида предметларнинг бирламчи ва иккиламчи сифатларини инсоннинг қабул қилиши билан шартланганини таъкидлаган. Унинг фикрича, предметларнинг барча сифатлари иккиламчи хусусиятга эга, зеро, бирламчи сифатлар ҳам худди иккиламчи сифатлар бир хил хусусиятларга эга, масалан, масофа каби хусусият объектив бўлмай, у бизнинг онгимиз, қабул қилишимизга боғлиқ. Предметларнинг ҳажми эса, бу объектив, аммо предмет инсонга бир ҳолатда катта, бошқа ҳолатда эса кичик бўлиб туюлади. Бошқача айтганда, предметларнинг катталиги – бу сезги аъзолари орқали олинган сигналларга таянган инсон тажрибасининг натижасидир.



Беркли материяни тушунишда ҳам шундай мулоҳаза юритган. Унинг фикрича, мавҳум ва умумий ғояларнинг мавжуд бўлиши мумкин эмас, чунки қабул қилиш чоғида ақлда аниқ таассурот, аниқ образ юзага келади, аммо ҳеч қандай умумий ғоя шаклланмайди. Агарда, биз учбурчакни қабул қилсак, бунда қандайдир мавҳум ва хоссаларга эга бўлмаган фигура эмас, балки аниқ учбурчакни тасаввур қиламиз. Шу тариқа, Берклига кўра, инсон, ҳаракат ва ҳ.к.ларнинг умумий мавҳум ғоясини ишлаб чиқиш имконсиздир. Олим материя тушунчасини ҳам мавҳум ғоя тарзида тан олмаган.

Шунга кўра, инглиз олими нарсаларнинг объектив мавжудлигини инкор этишга ўтган, зеро, Беркли нарсаларнинг хоссалари инсоннинг қабул қилишига боғлиқлигини таъкидлаган. **Субстанция** – бу, хосса, сифатларнинг ташувчисидир, демак, хоссалардан ташкил топган атроф оламдаги барча нарса ва предметлар фақатгина сезги аъзоларининг қабул қилишидан бўлак ҳеч нарса эмас. Беркли учун “мавжуд бўлмақ – демак қабул қилинмоқ” (**esse est percipi**).





Шунингдек, олимнинг таъкидлашича, нарсалар биз уларни қабул қилмаётган чоғимизда ҳам мавжуд бўлаверади, чунки улар бу пайтда бошқа одамлар томонидан қабул қилинаётган бўлади. Шунга кўра, Беркли, бир томондан, нарса ёки ғоялар мавжуд эмас, бошқа томондан эса, улар бизнинг фикрларимизда мавжуд бўлишда давом этадилар, деб таъкидлаган.


## Давид Юм эмпиризми

Давид Юм (1711 – 1776)-шотландиялик файласуф, “Инсоннинг табиати ҳақидаги трактат”, “Инсон билишининг тадқиқи”, “Ахлоқий ва сиёсий тажрибалар”, “Табиий дин тўғрисидаги мулоқотлар” каби асарлар муаллифи.






Юм ўз фалсафаси орқали тажрибага асосланган билимнинг эҳтимолий бўлиб қолиши ва у зарурийлик ва умумий аҳамиятга эга бўла олмаслигини кўрсатишга уринган. Эмпирик билим фақат аввалги тажриба доирасидагина чин ҳисобланади ва уни келгусидаги тажриба рад этмаслигига ҳеч қандай кафолат йўқ. Ҳар қандай билим фақат эҳтимолий бўлиши мумкин, аммо ҳақиқий ва ишончли эмас, унинг объектив ва зарурий бўлиб кўриниши эса, одатлар ва тажрибанинг ўзгармаслигига бўлган ишончнинг оқибатидир.






“Тан олиш керакки, - деб ёзади Юм, - табиат бизни ўз сир-синоатларидан етарлича узоқ масофада ушлаб туради ва объектларнинг айрим юзаки хоссалари ҳақидаги билимни тақдим этади. Бу объектларнинг мавжудлиги ва фаолияти тўлиғича қарам бўлган куч ва тамойиллар яширинлигича қолади”.

Юм Европа Янги давр фалсафаси агностицизмнинг асосий принципларини ишлаб чиққан. Айнан унинг қарашларида мазкур фалсафий йўналиш тизимли акс эттирилган. Билимнинг ягона манбаи – тажриба ва у сезгилар ва қабул қилинган ахборотларнинг мажмуидир. Бироқ ҳатто тажрибанинг асосида ҳам билим ёрдамида ишлаб чиқилган қонунлар ётиши Юмнинг назаридан четда қолган эди. Олим тажриба орқали олинган билимни текшириб кўришнинг имконсизлигига урғу берган, яъни, унинг фикрича, тажриба-синов берган маълумотлар ва объектив предметлар ўртасида адекват тасаввурларни шакллантириб бўлмайди.






Масалан, сабабийлик тушунчаси бир ҳодиса ортидан иккинчи ҳодиса рўй беришининг такрор ва такрор содир бўлиши натижасида юзага келади. Бундай такрорланишни тафаккур умумлаштирган ҳолда ўша ҳодисалар ўртасида сабаб-оқибат муносабатлари мавжудлиги ҳақида хулоса чиқаради. Аммо Юмнинг таъкидлашича, бундай хулоса фақатгина фикр маҳсули холос. Шунга мувофиқ равишда, бутун билиш жараёни фақатгина тажриба билан боғлиқ ва ундан ташқарига чиқа олмайди, шунинг учун ҳам тажриба ва объектив воқелик ўртасида қандай муносабат борлиги ҳақида мулоҳаза юритиш ноўрин.


Оламни объектив равишда билиш имкониятига, унинг қонунларини очиб беришга нисбатан скептик қараш Юм фалсафасининг умумий хулосаларидан бирини ташкил этади.

**Рационализм** (лотинча, “rationalis” - ratio — ақл) — ақлга одамларнинг билиш ва ҳулқининг асоси, деб қарайдиган фалсафий йўналиш. Рационализм атамаси XIX аср ўрталарида фалсафага кириб келди. Рационализм анъаналари Қадимги Юнонистон файласуфларига бориб тақалади. Масалан, Парменид билимни ақл воситасида олинган «ҳақиқий» билимга ва сезгилари орқали олинган билимларга ажратди, ақлга ҳақиқатнинг мезони сифатида қаради.





Янги замон табиатшунослигининг тараққиёти натижасида рационализм гносеологик қарашлар таркибига кирди. XVII-XVIII асрларда классик рационализм ўрта аср схоластикаси ва диний догматизмга зид равишда (Декарт, Спиноза, Лейбниц) бутун оламнинг сабабий боғланганлиги ғоясини илгари сурди. Рационализм принципларидан материалистлар (Спиноза) ҳам, идеалистлар (Лейбниц) ҳам фойдаландилар.



**Р Е Н Е**

**ДЕКАРТ**

*РАССУЖДЕНИЯ  
О МЕТОДЕ*

*Книги, изменившие мир.  
Писатели, объединившие  
поколения.*

Э К С К Л Ю З И В Н А Я   К Л А С С И К А

**Рене Декарт** (1596-1650) – француз математиги ва файласуфи, оламни билишда ақлни биринчи ўринга қўйган, тажрибани эса ақл берадиган маълумотларни оддий амалий текширишдан иборат жараён деб ҳисоблаган олим.

Декарт рационализм назариясидан келиб чиқиб барча фанлар учун универсал дедуктив методни ишлаб чиққан. Унинг бундай методига кўра инсонда туғма ғоялар мавжуд ва улар кўп жиҳатдан билиш жараёни натижаларини белгилаб беради.

Э К С К Л Ю З И В Н А Я   К Л А С С И К А

О МЕТОДЕ

РАССУЖДЕНИЯ

**Дедукция** — хусусий ҳолатлар умумийликдан келтириб чиқариладиган тафаккур юритиш методи.

Декарт рационалистик қарашларининг асосий тушунчаси “субстанция” бўлган.


Олим илмий фикрлаш учун икки тамойилни таклиф этган:

1) ташқи оламнинг ҳаракатини фақат ва фақат механик маънода тушуниш зарур;

2) ички, маънавий-руҳий оламнинг ҳодисасини аниқ, мушоҳадага асосланган ўзини-ўзи англаш тарзида тушуниш керак.







Декарт учун фалсафанинг бош масаласи — ишончли билимга эришиш ва у орқали яна шундай билим олишга имкон берувчи методни аниқлаш бўлган.


Декарт фалсафасида илмий билиш методи **аналитик (таҳлилий) ёки рационалистик** деб номланган. Олимга кўра, дедуктив метод қуйидагиларни тақозо этади:

- тафаккур жараёнининг аниқлиги ва зиддиятлардан холи бўлиши (бу математика орқали таъминланади);
- тафаккур объектини оддий элементар заррачаларга ажратиш;
- бу элементар заррачаларни алоҳида ўрганиш, кейин эса фикрни соддадан мураккаблик томон ҳаракатлантириш.

## Рене Декарт рационализи

Декартнинг фалсафа олдидаги беназир хизмати шундаки, у билишда ақлнинг етакчи ролини асослай олган, субстанция, унинг атрибутлари ва модуслари тўғрисидаги таълимотни илгари сурган, билишнинг илмий методи ва “туғма ғоялар” ҳақидаги назарияни таклиф этган ва дуализм назариясининг муаллифига айланган. Бу билан эса, олим фалсафада материалистик ва идеалистик йўналишларни мувофиқлаштиришга уринган.






Борлиқ ва билишнинг асосини ақл ташкил этишини Декарт қуйидагича асослашга ҳаракат қилган: оламда инсон учун тушунарсиз бўлган кўплаб нарса ва ҳодисалар бор (улар борми? Уларнинг хоссалари қандай? Масалан, Оламнинг чеки мавжудми? ва ҳ.к.), бироқ исталган ҳодиса ва нарса хусусида шубҳа юритиш мумкин (атроф олам мавжудми? Қуёш чинданам нур таратадими? Рух абадийми?). Демак, маълум бўладики, шубҳа реал мавжуд, демак, инсон, шубҳа юрита туриб, фикрлайди. **Шубҳа** – фикрнинг хоссаси, бу яққол фактдир ва исбот талаб этмайди. Реал мавжуд инсонгина фикрлай олишини инобатга оладиган бўлсак, демак, тафаккур борлиқнинг ҳам, билишнинг ҳам асосини ташкил этади.

Шундай қилиб, фикр ақлнинг фаолияти бўлгани учун, борлиқ ва билишнинг асосида фақат ақл ётиши мумкин. Шу муносабат билан, Декарт бутун жаҳонга машҳур бўлиб кетган ҳикматнинг муаллифига айланган:

**“Мен фикрляпман, демакки, мен мавжудман”  
(«Cogito ergo sum»).**



**Готфрид Вильгельм Лейбниц** (1646 — 1716) — немис математик олими, ҳуқуқшунос ва файласуф, Янги давр Европа фалсафасининг сўнгги йирик вакили ҳисобланади. Олим рационализм фалсафий йўналишга мансуб мутахассис бўлган. Унинг фалсафий тадқиқотлари субстанция ва билиш каби фундаментал фалсафий муаммолар бўйича олиб борилган. Лейбниц Декарт ва Спинозанинг субстанция тўғрисидаги қарашларини ўрганиб чиқиб, уларнинг нотўлиқ экани ҳақидаги хулосага келган.





Биринчидан, у Декартнинг барча субстанцияларнинг бўлинишига доир дуалистик қарашларини қабул қилмаган. Иккинчидан, Лейбниц фикрича, Спиноза барча субстанцияларни яхлит Табиат-худога бирлаштириб, Декарт дуализмини енгиб ўта олмаган, барча модусларни икки синфга — масофавий ва фикрловчига ажратган. Яъни, Декарт ижодида икки турдаги субстанция кўринишида бўлган нарсалар, Спиноза қарашларида ягона субстанция модусларининг худди шундай кўринишларидир.

## Лейбницнинг монадологияси


Шу тариқа Лейбниц Декарт ва Спиноза назарияларига қарама-қарши сифатида монадалар ҳақидаги назарияни илгари сурди. **Монада** (юнончадан, яхлит, ягона), яъни субстанция, ибтидоларнинг кўплиги ғоясини олим қуйидагича баён этган:


- бутун олам кўплаб субстанциялардан ташкил топган бўлиб, улар дуалистик хоссага эга эмас, балки ягона яхлит табиатга эга. Субстанциянинг намоён бўлиш шакллари монадалардеб аталади.

- монада оддий, бўлинмас, масофага эга эмас, моддий-ашёвий тузилма эмас; у тўрт хусусиятга эга: интилиш, мойиллик, қабул қилиш, тасаввур;

- ўз моҳиятига кўра монада – бу ўз ҳолатини тинимсиз ўзгартириб турадиган, яхлит фаолиятдир; узлуксиз мавжуд бўлиб туриши туфайли монада ўзини ўзи англайди;

- монадалар мутлақ ёпиқдир ва бир-бирига нисбатан мустақил.





Монадалар ҳақида Лейбниц: “Улар нимадир кириши ёки чиқиши мумкин бўлган дарчаларга эга эмас”, - деб ёзган эди.

Барча мавжуд монадаларни олим **тўрт** синфга бўлади:


**“яланғоч монадалар”** – улар ноорганик (нотирик) табиатнинг асосини ташкил этади (тошлар, ер, фойдали қазилмалар ва б.);

**Ҳайвонлар монадалари** – сезгига эга, аммо онг ривожланмаган;

**Инсон монадалари** – онг, хотира, ноёб фикрлаш қобилиятига эга;

**Олий монада** – Худо.

Монаданинг синфи қанчалик юқори бўлса, унинг ақли ва эркинлик даражаси юқори бўлади.






Лейбницнинг гносеологик таълимоти ҳам эътиборга молик. Файласуф билишда эмпиризм ва рационализмни мувофиқлаштиришга уринган. Бунда у барча билимларни “ақлнинг ҳақиқатлари” ва “фактнинг ҳақиқатлари” каби икки турга ажратган.

“**Ақлнинг ҳақиқатлари**” ақлнинг ўзидан келиб чиқади, уларни мантиқан исботлаш мумкин, зарурий ва умумий хусусиятга эга.

“**Фактнинг ҳақиқатлари**” эмпирик (тажриба) йўл билан олинган билимлар (масалан, магнит тортишиши, сувнинг қайнаш ҳарорати, турли металлларнинг эриш ҳарорати); бундай билимлар, олим фикрича, фақат фактни қайд этади холос, аммо улар фактнинг сабабларини очиб бермайди ва эҳтимолий хусусиятга эга. Эмпирик билимлар эҳтимолий, ишончсиз бўлса-да, уларни билим сифатида инкор этиб бўлмайди.

Шундай қилиб, Лейбницга кўра, билиш жараёни фақат у ёки бу, яъни эмпирик ёки рационал йўл билан, балки иккала усул билан ҳам амалга ошиши мумкин. Бунда, рационал билиш – ишончли хусусият касб этса, эмпирик билим эса, эҳтимолий бўлади.






## Бенедикт Спинозанинг рационализи


Европада Янги давр рационализмнинг йирик вакили – голландиялик файласуф **Бенедикт Спиноза (Барух Спиноза, 1632–1677)** бўлиб, у ўзининг асосий қарашларини “Этика” номли асаридан баён этган. Бу асар мантиққа оид китоб шаклида ёзилган бўлиб, унда умумий таърифлар келтирилган, аксиомалар ишлаб чиқилган, улардан эса инсонларнинг ҳулқ-атвори, оламни тушуниш ва билиш тамойилларига доир теоремалар келтириб чиқарилган.



Р.Декартнинг дуалистик фалсафасидан фарқли равишда голланд олимнинг таълимоти монистик хусусиятга эга бўлиб, универсал ягона субстанция ҳақидадир. Бундай субстанция – оламдаги барча нарсалардир, барча нарсалар – **субстанциядир**, деб таъкидлаган файласуф. Субстанция бевосита мавжуд ва унинг мавжудлиги ўзидан бошқа ҳеч нарсага муҳтож эмас, у ўзига ўзи сабабдир. Шундан келиб чиққан ҳолда Спиноза субстанциянинг вақтда абадийлик ва маконда чексизлик каби бошқа хоссларини ҳам изоҳлайди.

Субстанцияни бундай тушуниш уни табиат ёки худо билан айнанлаштиришни англатади. Бироқ Спиноза ортодоксал диний қарашлардан узоқ бўлган, унинг дунёқараши пантеистик хусусият касб этган, яъни, худо табиатга сингиб кетган бўлиб, у абадий ижодий ибтидодир. Фақатгина табиат ёки субстанция яхлит ва ягона, аммо унинг моҳиятини ифода этадиган атрибутив сифатлар чексиз кўпдир. Инсон субстанцияни масовафийлик ва тафаккур каби икки атрибутлар орқали билади. Субстанция ва унинг атрибутлари табиатни ташкил этади — **“nature naturata”**, унинг аниқ кўринишлари бўлган предмет ва ҳодисалар эса — модуслар **“natura naturam”** ҳисобланади.





Спинозанинг субстанция ҳақидаги қарашлари унинг билишга доир таълимоти билан боғлиқ. Инсоннинг ташқи олам тўғрисидаги билимларини олим қуйидаги изоҳлайди: **“Ғояларнинг тартиби ва алоқаси нарсаларнинг тартиби ва алоқаси кабидир”**. Теорема сифатида илгари сурилган ушбу фикр оламини адекват равишда билиш имкониятининг мавжудлигига ишора бўлган.


Декартнинг инсонда туғма ғояларнинг мавжуд бўлиши ғоясини Спиноза қатъий равишда инкор этган, аммо олим инсонда билим ҳосил қилишга бўлган туғма қобилиятнинг мавжудлигини таъкидлаган. Инсон асосий вазифаси ана шу қобилиятни билимларни ишлаб чиқиш йўлида такомиллаштириб боришдан иборатдир.


## “Ақлни тозалаш тўғрисида трактат”

асарида Спиноза инсон билиш фаолиятини тўлиқ қамраб оладиган билим ҳосил қилишнинг тўрт услубини ажратиб кўрсатган.

**Биринчи услуб** — эшитилган маълумотлар орқали билиш бўлиб, олим уни самарасиз услуб сифатида танқид қилади ва эшитиш орқали билиш муқаддас ёзувлардаги авторитет манбаларга таянган диннинг методи эканини таъкидлаган.


**Иккинчи услуб** — тартибсиз тажрибадан олинадиган билим. Бу услубни олим кундалик ҳаёт билан чекланган билим эканини таъкидлаган.






**Учинчи услуб** – оқибатларга таянган ҳолда сабабларни топиш ёки умумий тушунчалар орасидан нарсаларнинг моҳиятини ажратиб кўрсатиш орқали билим ҳосил қилиш. Олим фикрича, бундай услуб илмий бўлса-да, объектга мос ва зарурий ишончли билим бермайди, чунки нарсанинг хоссалари бевосита унинг моҳияти орқали қабул қилинмайди.

**Тўртинчи услуб** – бу ҳолатда нарса фақатгина унинг моҳияти орқали англанади. Бу услубни олим интуитив метод деб ҳисоблаган ва фақатгина интуиция нарсалар ҳақида беҳато ва аниқ мувофиқ билимларни беради. Бироқ бунда Спиноза интуицияни қандайдир мистик тарзда тушунмаган, балки субстанциянинг моҳиятини билиш асосидаги нарсаларнинг моҳиятини рационал билишни назарда тутган.



Юзаки қараганда Спинозанинг субстанция, унинг атрибутлари ва модуслари ҳақидаги қарашлари мавҳум хусусият касб этса-да, унинг фалсафаси амалий йўналишга эга бўлган. Олимнинг субстанция тўғрисидаги таълимоти — инсон, унинг ахлоқи, ҳаётни оқилона қабул қилиш ҳақидаги таълимот эди.






# Гегель рационализми


Георг Вильгельм Фридрих Гегель (1770-1831) – немис файласуфи, объектив идеалист, немис мумтоз фалсафасининг вакили.

Гегель фалсафасида оламнинг ибтидоси ва моҳияти сифатида мутлақ ғоя ёки мутлақ ақл кўрсатилган. Билиш жараёни эса ақлнинг ўзини ўзи англаши сифатида талқин этилган бўлиб, бунга кўра, ақл оламда ўзининг мазмунини англаб боради. Шунинг учун, Гегель қарашларида объектив оламнинг ривожланиши соф мантиқий, рационал жараён ҳисобланади. Олимнинг рационализми эса панлогизм хусусиятини касб этади.



Гегель мутлақ идеализм тизимининг мазмуни қуйидагиларда намоён бўлади:

Барча табиат ва жамият ҳодисаларининг асосида мутлақ, маънавий ва ақлий ибтидо – “мутлақ ғоя”, “дунёвий ақл” ёки “дунёвий руҳ” ётади. Бу ибтидо фаол бўлиб, унинг фаолияти тафаккурда, аниқроғи, ўзини ўзи англашдан иборат.







Ривожланиши мобайнида мутлақ ғоя учта босқични босиб ўтади:

- 1) ғоянинг ўзи пайдо бўлган жойида ривожланиши, “соф ақлнинг табиий кечиши” жараёни, яъни, мантиқда ғоя ўз мазмунини ўзаро боғлиқ ва бир-бирига ўтиб турувчи мантиқий категориялар тизимида очиб боради;
- 2) ғоянинг ўзга борлиқда, яъни, табиат кўринишида ривожланиши – табиат фалсафаси; табиат ривожланмайди, балки унинг маънавий моҳиятини ташкил этувчи мантиқий категориялар ривожланишининг ташқи намоён бўлишига хизмат қилади;
- 3) ғоянинг тафаккур ва тарихда ривожланиши – руҳ фалсафаси. Бу босқичда мутлақ ғоя ўзи ўзига яна қайтади ва ўзининг мазмунини инсоннинг онги ва фаолиятининг турли кўринишларида англайди. Ўз тизимида мутлақ ақлнинг ривожланиш жараёни яқунланади.

Олимнинг “Мантиқ фани” номли асарида унинг диалектикага оид қарашлари тўлиқроқ акс этган. Гегель билиш назарияси ривожига улкан ҳисса қўшган. Хусусан, унинг Кант дуализмининг танқиди улкан назарий аҳамият касб этган. Шунингдек, немис файласуфининг “Ҳуқуқ фалсафаси”, “Фалсафа тарихи бўйича маърузалар”, “Эстетика бўйича маърузалар”, “Тарих фалсафаси бўйича маърузалар” номли китоблари жуда катта эътибор билан ўрганилади. Гегель диалектик методни қўллаган ҳолда, фан олдида турган муаммоларни чуқур тадқиқ этиб фалсафа фанининг барча соҳалари бўйича чуқур из қолдирган файласуфдир.





Бироқ эмпиризм ва рационализм ўртасидаги зиддият фақатгина билимларнинг келиб чиқиши ёки манбаи масалалари хусусида бўлмаган. Зеро, айрим рационалистлар аввал сезгиларда бўлмаган нарса ақлда ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, деган тезисни маъқуллаганлар. Шу маънода, асосий зиддият шундаки, эмпиризмга кўра, билимларнинг умумий ва зарурий хусусияти ақлдан эмас, балки тажрибадан келиб чиқади.

Баъзи эмпириклар (масалан, Т.Гоббс, Д. Юм) рационализм таъсирига тушган ҳолда, тажриба билимга зарур ва умумий аҳамиятни бера олмайди, деб ҳисоблаганлар. Шундай бўлса-да, эмпиризмнинг чекланган хусусияти шундаки, сезги аъзолари орқали қабуллаш, тажрибанинг роли мутлақлаштирилади, билишда илмий абстракциялар ва назарияларнинг аҳамиятига етарли ўрин берилмайди, ақлнинг фаол роли ва фикрлаш жараёнининг нисбий мустақиллиги назардан четда қолади.



## Уйга вазифа:

Мавзуга оид қуйидаги тушунча атамаларга изоҳ тайёрлаш.

Эмпиризм, рационализм, модуслар, монадология, субстанция, Гегель - мутлақ ғоя, Ф.Бэкон – ақл шарпалари, Д.Юм скептицизми, Р.Декарт – шубҳа, Спиноза – чексиз субстанция, Лейбниц – тажриба ва билим.

